

Муножот



13:46 / 10.09.2024 1764

Шаддод ибн Авс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга қуйидагиларни айтишни ўргатар эдилар:

«Аллоҳим! Албатта, мен Сендан ишда собит қадамликни сўрайман. Ва рушди ҳидоятда азми қарорни сўрайман. Сендан неъматингга шукр қилишни, ибодатингни гўзал адо этишни сўрайман. Сендан содиқ тил ва саломат қалб сўрайман. Сендан Ўзинг биладиган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Сендан Ўзинг биладиган нарсаларнинг хайрини сўрайман. Мен Сендан Ўзинг биладиган нарсадан истиффор айтаман. Албатта, Сенинг Ўзинг ғайбларни яхши билувчисан».

Имом Термизий ривоят қилган.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август
03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.